

**ХУДУДНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ  
WAYS OF INCREASING THE INVESTMENT CAPACITY OF THE  
REGION**

**Хидиров Шерзод Алимович,  
тадқиқотчи**

**Аннотация:** ушбу мақолада инвестицияларни жалб этиш, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиби, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда республикамизда бугунги кунда мавжуд бўлган тартибларни таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда зарур бўлган усуллар, мезонлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, жозибадорлик, рақобат, лойиҳа ҳужжатлари, пул оқимлари, экспертиза, дисконтлаш, фоиз ставкаси, самарадорлик, баҳолаш

**Abstract:** This article presents opinions on attracting investment, on the procedure for developing pre-project documents for investment projects, the experience of foreign countries in this area, as well as on the methods and criteria necessary for developing investment projects based on the analysis of existing procedures in our Republic.

**Key words:** investment, attractiveness, competition, project documents, cash flows, expertise, discounting, interest rate, efficiency, evaluation

**Кириш**

Ҳозирги кунда ҳудудлар иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш ҳудудий инвестиция сиёсатининг бош мақсади бўлиб қолмоқда. Чунки макроиқтисодий вазият иқтисодий субъектлар олдига кенг қамровли инқирозлардан ҳимояланиш каби мураккаб вазифаларни қўймоқда. Ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошликни жадаллаштириш ва инвестицион жозибадорликни ошириш бугунги куннинг ҳал қилиниши зарур бўлган асосий муаммоларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Ривожланган ва изчил тараққий этаётган давлатлар (Япония, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой ва бошқалар) тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат рақобатдошлиги, ўзининг чегараси доирасида умумий инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ҳудудлараро ва минтақалараро интеграцияни чуқурлаштиришнинг янги усулларини қўллаш асосида ривожланаётган ҳудудлар инвестицион салоҳиятига тўлалигича боғлиқдир. Бунда ташқи муҳитнинг таъсири ва рақобат ҳудудларни ўзларининг инвестицион салоҳиятидан янада самарали фойдаланишга ундамоқда. Мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича стратегик қарар ва дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш нуқтаи - назаридан ушбу масаланинг методологик ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишнинг зарурлигини кўрсатмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Худуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишларининг илмий асосларини тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, худуд ҳамда худудлараро миқёсда инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш назарияси маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан яқин даврдан бошлаб чуқур ўрганила бошланди. Неоклассик ва замонавий Европа мактаби вакиллари бўлган классикларнинг назарий қарашларида иқтисодий жараёнлардаги инвестицион салоҳият муносабатлари анъанавий тарзда, яъни худудий омиллар ва минтақалараро муносабатларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилган. Мавжуд назарий қарашларга мувофиқ уларни қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин: а) макроиқтисодиёт концепцияси нуқтаи-назаридан худуд инвестицион салоҳиятини ўрганиш; б) ташқи таъсир омиллари нуқтаи-назаридан худуд инвестицион салоҳиятини бошқариш муносабатларини ўрганиш; в) инвестицион салоҳият ва уни бошқаришнинг (бизнес даражасидаги) микроиқтисодий омиллари.

Юқорида келтирилган барча йўналишларда инвестицион салоҳиятнинг худудий хусусиятига иккинчи даражали масала сифатида қаралган. Иқтисодий ўсиш назарияси ва ушбу масала юзасидан минтақашунос тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, глобал миқёсда шундай механизмлар ишга тушмоқдаки, улар худудни глобал ривожланишнинг муҳим бўғинига айлантириш имконига эга [1,2].

#### **Тадқиқот методологияси**

Мақолада худудларнинг инвестициявий салоҳиятини ошириш, унга таъсир этувчи асосий омилларни баҳолашда хорижий олимларнинг илмий ишлари ва ўқув адабиётлари таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида назарий таҳлил, гуруҳлаш ва кабинет тадқиқотлари усулларидан фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Иқтисодиёт модернизациялаш ва либераллашув жараёнида инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминлашга эришиш ва махсус иқтисодий зоналар кўринишидаги янги худудий марказларнинг шаклланиши мамлакат иқтисодиётига юқори малакали ишчи кучи жалб қилишга ва истиқболли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали худуд инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Дунё амалиётидан бизга маълумки, инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали йирик худудий марказлар ҳиссаси ортиб боради. Мисол учун жаҳон ЯИМнинг 81 фоизи, экспортнинг- 62 фоизи, инвестицияларнинг 83 фоизи йирик худудий марказлар ҳиссасига тўғри келмоқда [3]. Амалда инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришда инвестицион жозибadorликни ошириш бевосита фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб этади. Бу ўз навбатида, республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Демак,

инвестициялар ҳар қандай иқтисодий ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларни ишга солиб иқтисодийтимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини ошириш лозим.

Шу ўринда, Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг **“солиқ юкни изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодий тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини яхшилашнинг муҳим шартлари”** [4] эканлиги ҳақидаги фикрларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакат иқтисодийтини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича стратегик қарар ва дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш нуқтаи-назаридан ушбу масаланинг методологик ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишнинг зарурлиги яққол кўзга ташланади. Умуман, Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминлаш ва самарали бошқариш масалаларининг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари махсус, мустақил тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Инвестицион салоҳият ва ҳудуд инвестицион салоҳиятини бошқариш тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш учун инвестициялардан фойдаланишда инсон фаолиятининг турли хил кўринишлардаги шаклларини тадқиқ этишни талаб этади. Инвестицион салоҳиятнинг эволюцион жараёни ва ўзгариши бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, ушбу соҳадаги аксарият тадқиқотлар бизнесда инвестицион салоҳиятдан фойдаланишнинг таркибий ва функционал жиҳатларига йўналтирилган. Бироқ, инвестицион салоҳият ва ҳудуд инвестицион салоҳиятини бошқариш тушунчалари ҳақида кенг қамровли тасаввурга эга бўлиш учун ҳудуд миқёсида инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Ҳозирда мавжуд назарий қарарларни умумлаштириш объектнинг макон ва замондаги нисбий ҳолатини тавсифловчи ҳудуд инвестицион фаолияти ва ҳудуд инвестицион салоҳияти тушунчаларини бир-биридан фарқлаш имконини беради. Бизнес фикримизча, ҳудуд инвестицион салоҳияти – бу ҳудуднинг ривожланиш даражаси бўлиб, унга кўра ҳудуд ўзининг табиий-иқтисодий салоҳиятидан, рақобат устунликлари ва институционал имкониятларидан самарали фойдаланиши ҳисобига аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг барқарор ўсиб боришини таъминлайди.

Бу борада олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион салоҳият, ҳудуд инвестицион салоҳият устунлиги ҳамда ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишлари ҳақида аниқ тушунчалар илмий жиҳатдан етарлича ёритилмаган.

Ҳозирги пайтда ҳудудлар инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш бўйича икки хил қарар мавжуд, биринчиси, ҳудудлар инвестицион салоҳиятини самарали бошқарилаётганлигига иқтисодий фаолиятнинг миқдорий кўрсаткичларини қиёслаш орқали баҳо бериш бўлса, иккинчиси, бошқарув аппаратини сақлаш учун сарфланган маблағлар миқдорида бошқарув қарори,

конун ёки қарорларнинг «ишлаб чиқариш» харажатларида билвосита акс этиши ва унинг нисбатига қараб баҳо беришдир.

Худудлар инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш бўйича баҳо бериш усулларида битта объектнинг талқини бутун худуднинг барча жиҳатларини қамраб ололмайди ва бошқарув самарадорлигини ҳам тўлиқ очиб беролмайди. Шунини инобатга олиб, бизнингча, худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш самарадорлигини аниқлаш учун янгича усулни татбиқ этиш лозим. Бу борада “худуд-тизим” усулини қўллаш ва унинг барча узвий боғлиқ бўлган алоқаларини аниқлаш ҳамда тизимнинг хатти-ҳаракатига таъсир этишини намоён этадиган схемани яратиш масаланинг туб моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Худудлар инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш муаммосини ҳал этишда тизимли ёндашувнинг бир қанча функцияларини келтириб ўтиш жоиз, яъни:

- бошқарувчи тизим;
- бошқариладиган тизим – жамиятнинг барча унсурларига объект сифатида қараш;
- ўзаро боғлиқ тизим – турли институтлар алоқалари: тўғридан тўғри ёки билвосита; вертикал ёки горизонтал.

Бу ерда бошқарувчи субъектдан бошқариладиган ахборот чиқади ва бошқариладиган объектдан қайта алоқа сифатида ахборотнинг узатилиши содир бўлади. Шунинг учун ҳам, худудлар ривожланишини бошқариш тизими жамиятда мавжуд бўлган барча ресурслар самарали сарфланишига шарт-шароит яратиб берилишини таъминлаши керак. Жумладан, моддий, интеллектуал, молиявий, ахборот, демографик ресурслар ва ҳоказолар.

Мамлакат иқтисодиётида инвестицион салоҳият ёки алоҳида худуд инвестицион салоҳиятини тизимли бошқаришда уларга ягона тизим сифатида қараш, бир неча функционал боғлиқ иерархик бўғинлардан таркиб топганини ва ягона мақсад сари ҳаракатланишини қайд этиш лозим. Худуднинг инвестицион салоҳиятини бошқариш тизими ўзига хос мураккаб бўлиб, у мавжуд гуруҳлар (хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат ношароит ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, турли институтлар)ни ягона мақсад сари бирлаштириш билан бир қаторда, уларнинг манфаатларини инобатга олиш зарур. Демак, бу ерда турли манфаатларни мувофиқлаштириш, тузилмаларнинг ҳар бирини бозор қоидаларидан келиб чиқиб, индивидуал ривожланишига шарт-шароит яратиш, керак пайтда назорат қилиш ва мониторингини мунтазам олиб боришни йўлга қўйиш муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

Фикримизча, худудлар инвестицион салоҳиятини тизимли бошқаришни лойиҳалаштиришда ривожланиш жараёни моделининг таркибини аниқлаб олиш лозим. Бу жараёни прогноз қилиш иложсиз бўлганлиги учун ҳам моделни турли вазиятларга тез мослаша оладиган таркиб ва параметрлар билан лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, моделда иштирок этадиган таркиб ва параметрлар жараённинг ўзгаришига қараб тез мослашувчан, зарур пайтларда уларнинг ўзи ҳам ўзгара оладиган бўлиши лозим. Бунинг учун худудлар

ривожланишининг ҳар бир даврида танланган моделнинг параметрлари ўзгарувчиларнинг кириш ва чиқиши билан баҳоланиши зарур.

Маълумки, ҳудудий тизим бир қанча элементлардан таркиб топган ҳолда, улар ўртасидаги боғлиқлик даражаси ҳам юқори ҳисобланиб, элементлар ўртасида нофункционал боғлиқлик мавжуд. Шу боис, “Ҳудудлар инвестицион салоҳиятини стратегик бошқариш концепцияси”ни ишлаб чиқиш лозим. Чунки ҳудуд инвестицион салоҳиятини яхлит бозор, ижтимоий субъект ва иерархик алоқалар тизими сифатида таҳлил қилиш ўринлидир.

Ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш назарий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда муҳим бўлиб, бу ерда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари салоҳиятини аниқлаш, уларни жамлаш мамлакат иқтисодий салоҳиятини белгилашда зарурий шарт ҳисобланади, чунки бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисоблаш, сарфланган ресурсларни, шу билан бирга, уларни келажакда қайта тақсимлаш ва оқилона инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун зарур. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш корхонанинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда бозор шароитида олаётган фойдасини ҳисоблашда қанчалик муҳим бўлса, ҳудуд учун ҳам унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш шунчалик аҳамиятлидир.

Бугунги кунда ҳудуд инвестицион салоҳиятини баҳолашда аҳоли сони билан биргаликда, уларнинг даромадлари, жамғармалари ва орттирган мулклари ҳамда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ҳам ҳисобга олинади. Ушбу кўрсаткичлар ҳамда ҳудудда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурслари аниқланиб, ишлаб чиқариш кучлари жойлаштирилади ва ҳудуднинг инвестицион дастури ишлаб чиқилади.

Замонавий глобал рақобат шароитида ижроия ҳокимиятининг инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш юзасидан асосий эътибори ҳудуд иқтисодиётини жадал ва барқарор ривожлантиришнинг инновацион ривожланишига, илмий салоҳият мавжуд бўлган соҳаларда инновацион фаолликни кучайтиришга қаратилиши лозим.

Ҳудуд инвестицион салоҳиятини бошқаришда инновацион ривожланиш манбасини тадқиқ қилиш ҳудуднинг шаклланган инновацион салоҳиятини таҳлил ва синтез қилишни талаб қилувчи комплекс муаммо ҳисобланади, бу эса, ўз навбатида, ушбу ривожланиш имкониятларини акс эттиради.

Ҳудудлар инвестицион фаолияти кесимида инновацион салоҳиятни баҳолаш алгоритми уч босқичда амалга оширилади. Бу борада олимлар мавжуд кўрсаткичларни икки гуруҳга- умумлашма ва хусусий кўрсаткичларга ажратиш лозимлигини таъкидлайдилар. Улардан биринчиси-базавий таснифлагич сифатида юзага чиқади ва чегаравий аниқлашни талаб қилади, иккинчиси-ёрдамчи вазифани бажаради ва асосан ҳудуд инвестицион сиёсатининг инновацион ривожланиш масалаларида ушбу ҳолатларни тушунтиришга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши жаҳоннинг ўртача кўрсаткичига яқинлашган бўлса-да, ушбу турдаги инвестицияларни жалб қилиш

кўламини янада ошириш масаласи иқтисодиётимиз, хусусан, ҳудудларимиз олдида турган муҳим масалардан биридир. Чунки мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўрсаткичи кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар кўрсаткичидан орқада қолмоқда. Давлат институтлари сифати, инфратузилманинг яхшиланиши, жумладан, транспорт, темир йўл тармоқларининг тараққий этиши, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг ошиши ҳамда инфляцион сиёсатнинг самарали олиб борилиши иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантирувчи омиллари сифатида иқтисодиётимиз олдида турган муҳим масалардан бирига айланиб бормоқда. Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитларида ҳудудий инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари орасида ҳудудий ҳокимият ва бизнес тузилмаларининг ўзаро муносабатлари асосида қуйидагиларни ажратиб ўтиш мумкин: - асосий объектларга инвестициялар оқимининг назорати; - инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг ўзгариши, хусусий инвесторлар (корпоратив ва шахсий) ресурслари билан бюджет ажратмаларини алмаштириш; - янги ташкилий шаклларга ўтиш ва инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг иқтисодий усуллари; - лойиҳаларнинг устуворлиги - янги ишчи ўринларини ташкил этиш ва маҳаллий бюджетга “тезкор пуллар” тушумлари фойдалилик нуқтаи назаридан юқори аҳамият ва тезкор қопланишга эга.

Жорий йилдан бошлаб Инвестиция дастурлари янги тизим асосида ишлаб чиқилди. 2020 йил учун 1569 та хусусий ва тўғридан-тўғри инвестиция лойиҳалари рўйхати тасдиқланди. Мазкур дастурга асосан шу йилда 233 триллион 200 миллиард сўм, жумладан 7,1 миллиард доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиши кўзда тутилган [5].

**1-жадвал**

**2020-йилги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштириш прогнози**

*Млн.доллар*

Лойиҳаларнинг йўналишлари	2020 йилга мўлжалланган прогноз				
	ўзлаштириш	шу жумладан			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Жами	7081,8	947,3	1680	2051,3	2403,3
шу жумладан:					
янги қурилиш	5355,8	742,4	1341,7	1559,2	1712,6
модернизация ва реконструкция	680,7	61,1	131,9	199,9	287,9
бошқа йўналишлар	1045,3	143,9	206,4	292,2	402,8

2020 йилги прогноз бўйича асосий тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг катта қисми 75,63 %и янги қурилишга жалб этилиши кутилмоқда яъни 5355,8 млн. АҚШ долллари миқдорида киритилиши режалаштирилган. Ушбу инвестицияларнинг катта қисми IV чоракда киритилиши

кутилмоқда. Модернизация ва қурилишга 680,7 АҚШ доллари миқдорда киритилиши режалаштирилган бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг 9,61 %ини ташкил этади. Қолган 14,76 % эса бошқа йўналишларга сарфланиши кутилмоқда.

**2-жадвал**

**2020 йилги Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида хорижий кредитлар жалб этилиш прогнози**

*Млн.доллар*

Лойиҳаларнинг йўналишлари	2020 йилга мўлжалланган прогноз				
	Ўзлаштириш	шу жумладан			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Жами	2 714,0	659	824,1	591	639,9
шу жумладан:					
янги қурилиш	843,4	174,5	340,4	229,6	98,9
модернизация ва реконструкция	633	87,8	171,9	178,2	195
бошқа йўналишларга	1 237,6	396,6	311,8	183,2	346

2020 йилги прогноз бўйича давлат кафолати остида хорижий кредитлар катта қисми янги қурилишга жалб этилиши кутилмоқда яъни 1237,6 млн. АҚШ долллари ташкил этади. Прогноз давлат кафолати остидаги кредитларнинг 23,32 % модернизация ва реконструкция ва янги қурилиш 31,08 % ташкил этади [5].

**Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда республикада инвестицион фаолликни янада ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- Инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш. Корхоналар ҳамда аҳолида мавжуд бўлган молия ва бошқа инвестициявий ресурсларни самарали сафарбар этиш учун банк, суғурта корхоналари, жамғармалар ва бошқаларни ўз ичига олган инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари йўл транспорт-коммуникация тизимини модернизациялаш, коммунал хизматлар тизимида чуқур ислохотлар олиб бориш, юқори тезликда ишловчи интернет тизимларини жорий этиш лозим. Чунки булар инвестицион жозибадорликни ошириб масофавий ишлаш имкониятини ҳам яратади.

- Ривожланиш даражаси суст ҳудудлар учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш тизимини жорий этиш орқали инвестициялар ҳажмини ошириш лозим. Бунда айниқса, инвестиция ресурслари етишмаётган туманларда салоҳиятли банк филиаллари ва минибанкларни ташкил этиш, уларнинг капиталлашувини кучайтириш, молиявий инфратузилмани ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.

- Халқаро даражада ҳудудларнинг брендини шакллантириш ва инвестициявий жозибадорлигини намойиш этиш. Туманларда бўш турган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш объектлари, мавжуд табиий захиралар,

қишлоқ хўжалиги ва хомашё ресурслари ҳақида кенг ва батафсил маълумотларни ўз ичига олган тизимлаштирилган реестрини тузиш ва уни интернет орқали чет эллик инвесторлар эътиборига ҳавола этиш лозим.

• Худудларда хорижий компаниялар томонидан филиал ёки ваколатхоналар очиш механизмини соддалаштириш. Республикамининг барча худудларида филиал ташкил қилиш ва унинг фаолиятини аниқ тартибга солувчи низомлар ёки нормаларни тўлиқ шакллантириш зарур. Чунки, мазкур тизимнинг ривожланмаганлиги кўплаб хориж компанияларининг худудларда ўз бўлинмаларини ёки ваколатхона шаклида очиш билан чекланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Krugman P. Geography and Trade. Cambridge: The MIT Press, 1992; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – The MIT Press, 2001. P. 384.
2. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / Под ред. В.Д.Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993 г. – 886 с.
3. [http:// databank.worldbank.org](http://databank.worldbank.org)
4. “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармони.
5. “Ўзбекистон Республикасининг 2020 - 2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4563-сон қарори. Тошкент ш., 2020 йил 9 январь.